



Анвар Ҳоҷиаҳмедов

**ОГАҲИЙ
ДАҲОСИНИНГ
ОЛМОС
ҚИРРАЛАРИ**



АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

**ОГАҲИЙ
ДАҲОСИНИНГ
ОЛМОС
ҚИРРАЛАРИ**

**АБДУЛЛА КОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ
МЕРОСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 1999**

*Забардаст мутафаккир шоир, таржимон ва тарихчи
ҳамда давлат арбоби Муҳаммадризо Огаҳий
таваллудининг қутлуғ 190 йиллигига*

Тақризчилар:

Алибек Рустамов, академик,
Ботирбек Ҳасанов, филология фанлари доктори.

Мумтоз адабиётимизнинг ғоявий-бадiiй камолига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган хассос мутафаккир шоир Муҳаммадризо Огаҳий шеърятининг нафосату назокати эндигина кашф этила бошлади. Қўлинизидаги китобда ижодкор бадiiй даҳосининг бир қатор муҳим кирралари, хусусан, шеърӣй санъатлар, аруз хазинаси ва қофия ғўзалликларидан фойдаланиш усуллари ёритилган. Муаллифнинг асосий эътибори эса шоир услубиётининг ўзига хослиги, унинг кашфиётчилик маҳорати сирларини тадқиқ этишга қаратилган.

Китобдан баҳра олган мумтоз шеърят мухлислари, тил-адабиёт ўқитувчилари, филолог талабалар, академик коллежлар, гимназиялар, ўрта мактабларнинг ўқувчилари бадиият оламининг нодир, бетакрор ва безавол латофати билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

4702620106 – 201

0 ————— гриф – 99

М 361 (04) – 99

ISBN 5-86484-075-0

МУКАДДИМА

Халқимиз эришган буюк истиқлолнинг қутлуғ неъматларидан бири мумтоз адабиётимиз тарихини тўлақонли, теран ўрганиш, улуғ соҳиби қалам ижодкорларимиз меросини ҳар жиҳатдан муносиб баҳолаш, уларнинг жаҳон бадий тафаккури тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссаларини янгидан кашф этиш имкониятининг яратилиши бўлди. Шўро ҳокимияти йилларида мумтоз адабиётимиз, унинг ҳар қайси вакили, ҳар бир бадий жавоҳирга коммунистик партия сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида ёндашилиб, ғоявий таҳлил етакчилик қилгани, уларнинг сўз санъати тарикасидаги бор назокату нафосати эътибордан четда қолиб келганлиги, бадий маҳорат муаммолари юзакигина тадқиқ этиб келинганлиги нағижасида энг йирик ижодкорларимиз бадийяти, уларнинг сўз соҳиби мақомидаги юксак салоҳиятлари, тилимизнинг бебаҳо гавҳарлари хазинасидан хассослик билан фойдаланишдаги санъаткорликлари ҳалига қадар етарлича ёритиб берилгани йўқ. Шеъримиз камолига ўзининг бебаҳо хиссасини қўшган Муҳаммадризо Огаҳийнинг бетакрор бадий даҳоси қирраларини атрофлича ва чуқур ўрганиш ҳам адабиётшунослигимиз олдидаги муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Хоразмлик буюк шоир ижодини тадқиқ этиш соҳасида 50-йиллардан бошлаб талай тадқиқотлар амалга оширилган. Заҳматқаш олимларимиз Нажмиддин Комилов, Раҳмат Мажидий, Субутой Долимов, Қувомиддин Муниров, Фатхулла Фанихўжаев, Нусратулла Жумаев ва бошқаларнинг жамоатчилигимиз эътиборини қозонган қатор тадқиқотларида Огаҳий шеърини, таржимонлик салоҳияти ва тарихчи олим сифатидаги фаолиятининг кўпгина жиҳатлари муносиб баҳоланди, унинг хассос ижодкорлик маҳорати, мумтоз адабиётимиз тараққиётидаги буюк хизматлари таъкидланди. Лекин, айниқса, адабиётшунослигимизнинг шоир олдидаги қаралари кўп. Ҳали бу хассос санъаткорнинг лирик ва лиро-эпик тасвир усуллари, унинг ранг-баранг шеърини санъатлардан безавол бадий обидалар яратишда фойдаланиш маҳорати, Огаҳий арузининг ўзига хос қирралари, шоир асарларининг оҳанглар жилоси сирлари зарур даражада ёритилганича йўқ. Ижодкорнинг қофия устида ишлаш услуби, асарлар жозибаси, мусиқийлигига эришишдаги санъаткорлиги, кўпқофияликнинг рўёбга чиқариш соҳасидаги муҳим тажрибалари моҳияти ва аҳамияти, умуман, шоирнинг бой ва гўзал тилимизнинг нодир нафосатини намоиш этиш маҳорати кашф этилган эмас. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Огаҳий ижодининг мазкур муаммоларини баҳоли қудрат тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Бизнинг кузатишларимиз шоир бадийятининг барча жиҳатларини камраб ололмайди, албатта. Асосий диққатимиз Огаҳийнинг шеърини санъатлар, аруз ва қофиядан фойдаланишдаги кашфиётчилигини ёритишга қаратилган. Муҳтарам китобхонлар ўз мулоҳазалари билан Огаҳий бадийятининг яна янги қирраларини кашф этишга ёрдам берадилар, деб умид қиламиз.

Б и р и н ч и б о б

ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР САЛОҲИЯТИ

РАНГИН ТИМСОЛЛАР ЛАТОФАТИ

Кўпасрлик мумтоз адабиётимиз камолига муносиб ҳиссасини қўшган забардаст соҳиби калом Муҳаммадризо Огаҳий шеър илмини мукаммал эгаллаган ва уни ўз асарларига татбиқ этиб, ғоявий ва бадиий жиҳатдан бетакрор ва безавол обидалар яратган даҳо ижодкор эди. Форс-тожик ва туркий шеърятнинг кўплаб буюк намояндалари ижодини обдон ўрганиб, уларнинг бадиий маҳорат сирларини атрофлича кашф этган шоир инсоний кечинмаларнинг энг нозик ва мураккаб қирраларини ғоят таъсирчан ифодалаш, тилимиз хазинаси жавоҳирларидан пурмазмун ва нафис, сержило ва дилрабо лирик асарлар ижод этиш санъатини пухта эгаллаган устоз қаламкаш эди. Огаҳий Шарқ алломалари томонидан мукамал ишлаб чиқилган бадиият илмини, хусусан, ранг-баранг шеърӣй санъатлар, аруз ва қофия назарияси ва амалиётидан тўла хабардор бўлган ҳамда уларнинг бадиий тасвир имкониятларини хилма-хил жанрлардаги кўплаб асарларида муваффақият билан синовдан ўтказган шоир эди.

Мутафаккир ижодкор ўз шеърятда анъанавий санъатларга мурожат этар экан, улардан аввало энг муҳим ижтимоий-ахлоқий ғояларни теран ва жозибали ифодалаш, ёрқин лирик ва эпик тимсоллар чизиш, ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатиб, унинг хотирасига бир умр мухрланиб қолувчи бетакрор ва безавол бадиий лавҳалар яратиш воситаси сифатида фойдаланди.

Хилма-хил шеърӣй санъатлар воситасида яратилган лирик тимсоллар, ранг-баранг лавҳалар, манзаралар, ифодаланган эҳтиросли туйғулар, кечинмаларнинг аксарияти ўзининг бетакрорлиги, чизгиларнинг янгиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Зеро, Огаҳий мумтоз адабиётимиз анъаналарини ривожлантира бориб, устозлар томонидан қўлланилган пурмазмун ва сержило тимсолларни такрорлашга эҳтиёткорлик билан ёндашди, мутлақо янгича бадиий лавҳалар яратишга диққат қилди. Бадииятдаги бу тамойил шеърӣятимиз тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлиб келганлигини яхши ҳис этган шоир кашфиётчи сифатида майдонга чиқиб, барча жанрлардаги асарларида шеърӣй санъатларнинг бадиий тас-

вир имкониятларини кенгайтириб, кўплаб жозибали лирик тимсолларга ҳаёт бахш этди.

Огаҳий бадиятига хос бўлган яна бир тамойил шеърятда қўлланган кўплаб санъатларнинг мантикий изчиллиги, ҳаёт ҳақиқатига мувофиқлигидир. Маълумки, бадий ижодда ушбу масалага эътибор билан қараб келинган, шоир томонидан чизилган ҳар қайси тасвирнинг мантикий асосланиши бадий маҳоратнинг энг муҳим белгиларидан бири деб ҳисобланган. Шу туфайли ҳам Огаҳий ўзи яратган лирик тимсолларнинг мазкур жиҳатига ҳамisha катта аҳамият бериб келди. Шоир қўллаган ташбиҳларда мушаббих билан мушаббихун бихнинг, яъни ўхшатиладиган нарса билан ўхшаган нарса ўртасидаги мантикий мувофиқлик, хусни таълиллларда қаламга олинаётган табиий воқеалар билан танланган чиройли сабабларнинг ўзаро муносабатидаги мослик, истиоравий ифодалардаги қиёсий яқинлик, лафф ва нашрларда қўлланган тушунчалар билан улар ҳақидаги ҳукмларнинг мантикий алоқадорлиги, тимсолларнинг, талмихларнинг ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши каби жиҳатларга алоҳида диққат қилганининг гувоҳи бўламиз. Масалан,

Нуктаи анбар гули хандон уза тушкан каби,
Холи мушкинким эрур ул лаъли хандон устида

байтида шоир маҳбуба лабини гулга, қора холини нуқтага қиёс қилар экан, тасвирнинг мантикий асоси ўхшатилаётган нарсаларнинг ранг нуктаи назаридан мувофиқлигидир.

Сочи савдосида гар етмасам лаълиға, тонг эрмас,
Ки бу зулмат ичида неча Искандар адошибдур

байтидаги бадий санъат эса Искандарнинг ҳаёт сувини излаб зулмат оламига кириб адашиши ҳақидаги машҳур афсона билан далилланган.

Бениқоб ул махликони токи кўрди ҳар кеча,
Инфиолидин куёш ер остида шинхон эрур

байтидаги тасвир Қуёшнинг, аниқроғи, Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати билан мутаносиблигига асосланган. Бундай мисолларни Огаҳий шеърятидан кўплаб келтириш мумкин.

Шоир турли санъатларга мурожаат этар экан, кенг ўқувчилар оммаси учун тушунарли бўлишига, ҳар қайси лирик тимсол, бадий лавҳа ва манзаранинг теран англашилишига эътибор билан қарайди. Маълумки, ушбу тамойил ҳам асрлар давомида устоз ижодкорлар учун дастуриламал бўлиб келган, мумтоз шеърят халқчиллигининг муҳим бир жиҳати ҳисобланган. Зеро, ўқувчи англаши қийин бўлган ташбиҳ, талмих, муболага каби кўпдан-кўп шеърӣ санъатлар асар бадийлигигагина эмас, унинг ғоявий талқинига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, шоир қўлланган талмихда қаламга олинган тарихий ёки афсонавий воқеа, тим-

сол ўқувчи учун таниш бўлмаса, ўз кимматини йўқотиши аниқ. Шунинг учун ҳам Огаҳий барча асарларида кенг жамоатчиликнинг барча тоифаларига яхши таниш бўлган тарихий воқеалар, қахрамонлар номларигагина мурожаат қилади. Унинг асарларида тилга олинган Исо, Марям, Хизр, Сулаймон, Қорун, Афлотун, Қайс, Вомиқ, Юсуф, Ширин, Лайло, Узро, Зулайхо каби номлар шеърий мухлислари орасида маълум ва машҳур шахсларни, уларнинг ҳаёти, тақдири ва фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеаларни ифодалар эди.

Шоир ижодидан ўрин олган шеърий санъатлар ўқувчилар оммасининг ҳаётий тажрибаси, билими, бадиий тасвирни қабул қилиш иқтидорига ҳам асосланган. Улар айни маҳалда шеърий мухлисларининг бадиий тафаккурини камол топтириш, бадиият қонунлари билан таништириб бориш, бадиий дидларини тарбиялаш мақсадини ҳам кўзлайди. Чунки Огаҳий шеърияти тимсоллари, шоир қўллаган санъатлар, мохирона акс эттирилган лавҳалар, манзаралар, туйғу ва эхтирослар моҳиятини англаб етиш жараёнида ана шундай билим ва малакаларни ҳосил қиладилар.

Огаҳий ўз асарлари бадиияти устида ишлар экан, шеърий санъатларни қўллашда уларнинг нафислиги, гўзаллиги, ўқувчида ижобий ҳиссиётлар, завқу шавқни рўёбга чиқариш имкониятига ҳам алоҳида диққат қилади. Бу ўринда ҳам шоир мумтоз Шарк адабиётига хос яна бир бадиий тамойилнинг давомчиси бўлиб майдонга чиққанини таъкидлашимиз лозим. Гап шундаки, мазкур тамойилга кўра ҳар қайси ижодкор у ёки бу шеърий санъатга мурожаат этар экан, чизилаётган тасвир ўқувчида нафис ҳиссиёт уйғотишига эътибор бериши лозим. Бу хил талабдан ҳар қандай чекинмиш эса мунаққидларнинг кучли эътирозига сабаб бўлган. Жумладан, гурк адабиётшунос олими Тоҳир ул-Мавлавий ўзининг «Адабиёт луғати» китобида бир шоирнинг

Кокилинда шона қолмиш сонма, эй хуршидрў,
Чок-чок ўлмиш, ослмиш калби сўзон зулфина

байтини шу нуқтаи назардан танқид қилар экан: «Парча-парча бўлмиш қонли бир юракнинг кокиларга ёпишиб солланиши ниҳоятда бир жирканч манзарани ташкил этган деб ҳисоблайман», деб ёзган эди*. Шунинг учун ҳам шоирларимиз ўз асарларида бундай тасвирлардан фойдаланишни ўзлари учун номуносиб кўрганлар. Огаҳий қўллаган санъатлар, у чизган бадиий лавҳалар ўзининг нафосату назокати билан ажралиб туради. Унинг

Нозу карашма боғининг сарви равони сизмусиз,
Ошиқи хаста жисмининг роҳати жони сизмусиз.

Қистурубдурму боши атрофиға жонона гул,
Ё магар рухсори шамъиға эрур парвона гул.

* *Tahir ul-Mevlevi. Edebiyat lugati. Istanbul, 1973, 40-6et.*

Эмастур оби ҳайвон чашмасида руҳпарвар мавж,
Лаби ширини изҳор айлаган жонбахш кулгудур

каби кўлаб нафис ва ҳайратомуз тасвирлари инсонда ҳаётбахш, завқиб бир руҳиятни рўёбга чиқаради. Шоир ижодида заиф мазмунли шеърӣ санъатлар мутлақо учрамайди десак, хато бўлмас.

Огаҳӣ бадииятига хос бўлган яна бир тамойил чизилган тамсиллару лавҳаларнинг шарқона одоб қоидаларига ҳам мувофиқлигидир. Шоир азалий маънавий қадриятларимизга тўла мувофиқ келувчи бадиий тасвирлар яратади, биронта байт ёки мисраъда бўлсин беодобона ёки шахватангез тимсоллару лавҳаларга дуч келмаймиз.

Огаҳӣ ғазалу мухаммасларида кўзга ташланадиган баъзи интим манзаралар эса тасаввуфӣ талқинга кўра мутлақо шартли моҳиятга эгадир. Жумладан,

Юз лутф ила юз бўса манга бергали юздин,
Бўйнимга кўлин солди, ёвуқ ёнима келди.
Олғоч юзидин бўса, кулумсаб деди: «Лаълим
Ўп, эмдики, навбат лаби хандонима келди».
... Мен жон киби қучдим белини, лаълини сўрдим.
Ул руҳи равондек тани урёнима келди

тарзида баъзи-баъзида учраб турадиган бадиий лавҳалар тасаввуфӣ тасвир усулларига хос хаёлий манзара, холос.

Маълумки, мумтоз шеърӣятимизда кенг қўлланиб келинган хилма-хил шеърӣ санъатларнинг асосий вазифаси шоир ифодалаётган муҳим ижтимоий-ахлоқий ғояларнинг ўқувчи тўларок ва чуқурроқ англаб етишига, чизилаётган тасвирларнинг моҳияти ва қўламини атрофлича ва аниқ тасаввур эта билишига хизмат қилиш, айни вақтда унинг бадиий-эстетик дидини шакллантириб ва ривожлантириб боришдан иборатдир. Огаҳӣ ҳам мутафаккир ва кашфиётчи ижодкор сифатида ўзи тараннум қилаётган ҳаётбахш ғояларни ёрқин ва пурмазмун лирик ва лиро-эпик тимсоллар воситасида мужассамлаштиришга интилиб, кўлаб анъанавӣ шеърӣ санъатларга муурожаат этади, бадиий тасвирнинг рангбаранг усулларида моҳирона фойдаланиб, ниҳоятда «кўб ва хўб», бетакрор ва безавол, мунаққаш ва сержило лавҳалар яратади. Нафис муболағалар, бежирим ташбихлар, жозибали ташхису талмихлар, пурмазмун ийҳому тазодлар, ҳайратомуз ҳусни таълил ва тамсиллар, латиф истиораю киноялар шоир ижод этмиш лирик тимсолларга беқиёс нафосату назокат бағишлайди. Хилма-хил шеърӣ санъатлар заминида чизилмиш тароватли бадиий лавҳаларнинг аксарияти илк бор Огаҳӣ томонидан кашф этилган бўлиб, ижодкорнинг юксак санъаткорлигидан, бадиий хаёлот оламининг бепоёнлигидан, теган тафаккуру заковатидан далолат беради. Хасос шоир каламининг салоҳияти у қўллаган қатор-қатор санъатлар таҳлилида муфассалроқ ва ёрқинроқ намоён бўлади.

МУБОЛАҒА

Шарқ адабиётида, хусусан, араб, форс-тожик ва туркий шеърятларда жуда кенг қўлланган тасвир воситаларидан бири шубҳасиз муболағадир. Бу адабиётларнинг бирон-бир вакили йўқки, ушбу санъатдан ўз ижодида баракали фойдаланмаган бўлсин. Романтик тасвир ҳамиша ҳукмронлик қилиб келган мазкур шеърятларда муболаға усулининг воят кенг ўрин тутиши уларда илоҳий муҳаббат билан боғлиқ инсоний кечинмаларнинг кўтаринки руҳ билан куйланиши, хилма-хил эҳтиросли туйғуларни бўрттириб тасвирлаш тамойили билан изоҳланади.

Буюк соҳиби калом ижодкорлар ўзларининг лирик ва лироэпик асарларида муболағали тасвир чизишининг энг самарали усулларини кашф қилиб, кўплаб безавол тимсоллар ва бадий манзаралар яратганлар. Хоразмий ва Лутфий, Атоий ва Саккокий, Навоий ва Бобур, Машраб ва Нодира каби қатор-қатор мутафаккир шоирларимиз мазкур санъатнинг инсонга хос мураккаб кечинмалар, орзу ва армонларни ёрқин ва тўлақонли тасвирлашга қўл келишини кўплаб нодир асарларда исботлаб берганлар. Мумтоз шеърятимиз анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш йўлидан борган Муҳаммадризо Оғаҳий муболаға заминиде сержило тимсоллар яратиш соҳасидаги бекиёс салоҳиятини намойиш эта билди.

Шоир ижодида деярли бирон обида йўқки, унда муболаға санъати ўз аксини топмаган бўлсин. Унинг илоҳий муҳаббат мадҳи билан йўғрилган шеърятиде ҳам, табиат манзаралари чизилган ғазал ва маснавийларида ҳам, ижтимоий-ахлоқий муаммоларга бағишланган асарларида ҳам муболаға инсон руҳияти, туйғуларини жўшқин бир тарзда ифодалашга хизмат қилади.

Оғаҳий шеърятиде муболағанин г таблия деб аталувчи биринчи даражаси анча кенг қўлланган. Асардаги тасвирнинг ақл ҳам қабул қиладиган, ҳаётда учраб турадиган бир тарзда ошириб тасвирлашни назарда тутувчи ушбу санъат лирик туйғуларни таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Оғаҳий муболағанин г ушбу шаклига муржаат этар экан, тасвирий тимсолларнинг ҳаётийлигига, янгилигига, жозибадорлигига алоҳида диққат қилади. Масалан, унинг «Қоғаз» радибли ғазалидаги

Ёзарға ёрға хат илгима олсам агар қоғаз,
Фигонким, кўз ёшим турмай оқиб бўлғуси тар қоғаз

байтига эътибор берсак, кучайтирилган тасвирнинг нафосати яққол кўзга ташланиб турганини кўрамыз.

Шоир: «Ёримга хат ёзиш учун қўлимга қоғоз олсам, кўз ёшим бетўхтов оқишидан, ҳайҳотким, ушбу қоғоз ҳўл бўлиб кегади», деб тасвирлар экан, белгини бу тарзда кучайтиришга ақл ҳам бовар қилиши, ҳаётда ҳам юз бериши мумкинлигига бизни ишонтиради. Айни вақтда ушбу талқин шеърятимиз учун янгилик бўлиб, бошқа шоирлар ижодида учрамайди. Ана шу хилдаги бетакрор

таблиғларни Огаҳийнинг кўплаб ғазал ва мухаммасларида учратишимиз мумкин. Жумладан, куйидаги байтларда қўлланган таблиғлар фикримиз далили бўла олади:

Тонг эмас, назм айласам тун-кун фараҳфзо сухан,
Ким, етар ондин баче шўхи сухандонимга ҳаз.

Жаҳолат бир давосиз дард эрур жожилга, билгилким,
Қулоқ солмас иложи дардиға гар очса Лукмон лаб.

Суруд айлаб мани маҳфуз қилди ғам балосидин,
Илоҳи борча офатдин аяго бўлсун худо хофиз.

Ғами бекаслик андоқ еттиким, ифрот ила тун-кун
Тўқордин ашк кўзда қолмади бир қатра нам ёлғуз.

Шоирнинг ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ғазал ва рубоийларида, қитъа ва маснавийларида моҳирона қўлланган таблиғлар халқ ҳаёти лавҳалари, инсонпарвар қалб кечинмаларини теран ва таъсирчан акс эттиришга қўл келганки, фикримизнинг далолатини

Таҳсин замонки, раҳм этибон бермас об аб,
Гар ёлғуз ўғлининг ғанидин олса тоб таб.

Чин тамаъ бирла агар олдинг бировдин бир дирам,
То қиёмат, бегумон билгил, онга бўлдинг асир.
Ул гадо холиға раҳм этким, совуқдин ҳар кеча,
То сахар афғон чекиб ашқин тўқар йиғлаб киш

каби қатор байтлар мисолида кўриш мумкин. Бу хил тасвирларда муболағали бўлиб кўринган манзаралар кам бўлса ҳам ҳаётда учраб туради.

Огаҳий ижодида муболағанинг иккинчи даражаси бўлмиш ивроқ ҳам кенг қўлланган. Шоир асарда тасвирланаётган белгиларни ақл ҳам бовар қиладиган, ҳаётда эса жуда-жуда кам учрайдиган даражада кучайтириб ифодалашни назарда туғувчи ушбу санъатдан санъаткорона фойдаланиб, бетакрор лавҳалар чизади.

Гох табу, гох сарзах бирла еткуруб юз минг азоб,
Жисми зоримни саросар устухон этти касал

байтидаги бемор тасвири шу хил хусусиятга эга. Зеро, унда белги орттирилиб тасвирланар экан, беморнинг касаллик туфайли қоқ суякка айланиб қолишини ўқувчи ақли сиғдира олади, ҳаётда ҳам воятда кам бўлса-да, шундай ҳолат учраши мумкин.

Ана шундай тасвирларни Огаҳийнинг

Суруд айлаб мани маҳфуз қилди ғам балосидин,
Илоҳи борча офатдин манго бўлсун худо хофиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4344> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4344> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4344>